

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ****Ромитан туман****2023 йил 11 июль**

Ромитан туманлараро иқтисодий судининг судьяси Х.Абдуллаев раислигида, судья ёрдамчиси Н.Рашидов котиблигида аризачи Ромитан туман солиқ инспекциясининг жавобгар "XXX" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни аризачи вакили Г.Акрамова (ишончнома ва буйруқ асосида)нинг иштирокида Ромитан туманлараро иқтисодий суди биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

"XXX" масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда "жавобгар" деб юритилади) Ромитан туман солиқ инспекцияси (бундан буён матнда "аризачи" деб юритилади)да солиқ тўловчи ҳисобланади.

Жавобгар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (бундан буён матнда "Солиқ кодекси" деб юритилади) 273-моддасининг биринчи қисмига асосан аризачига 2023 йил март ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этмаган.

Аризачи томонидан жавобгарга хабарнома билан мурожаат қилиб, солиқ ҳисоботлари белгиланган муддатда тақдим этилмаганлиги, белгиланган муддатда ҳисоботлар тақдим қилинмаса, Солиқ кодекси 111-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларига асосан банкдаги ҳисобварақларини бўйича барча чиқим операциялари тўхтатилиши тўғрисида огохлантирилган. Хабарнома жавобгарга электрон тарзда юборилган.

Жавобгар ҳисоботларни белгиланган муддатда тақдим қилмаганлиги сабабли, солиқ инспекцияси ўринбосари томонидан қарор қабул қилинган ва жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари тўхтатилган. Шундан сўнг ҳам жавобгар ҳисоботларни тақдим қилмаган.

Шу сабабли аризачи иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Ишда иштирок этувчи шахсларга ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилиш, иш кўзғатиш ва ишни суда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим нусхалари юборилган. Суд ажрими жавобгарга етказилганлигини тасдиқловчи маълумот иш ҳужжатларида мавжуд.

Жавобгар суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида лозим даражада хабардор қилинган бўлсада, суд мажлисида вакил иштирокини таъминламади. Ариза юзасидан ўз эътирозларини судга тақдим қилмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда "ИПК" деб юритилади) 220-моддасининг биринчи қисмига кўра суд ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ушбу кодексда белгиланган тартибда хабардор қилади. Бунда суд аризачининг зиммасига жавобгарни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор



қилиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги, агар суд уларнинг келишини мажбурий деб топмаган бўлса, ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Суд, ушбу қонун нормасига асосланиб, иқтисодий ишни жавобгар вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд мажлисида аризачи вакили аризани қувватлаб, келтирилган асосларни такрорлаб, жавобгар томонидан суд мажлиси кунига қадар ҳам ҳисоботларни тақдим қилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик бартараф этилмаганлигини билдириб, аризани қаноатлантиришни ҳамда жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўради.

Суд аризачи вакилининг тушунтиришини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим топади.

Солиқ кодекси 82-моддасининг биринчи қисмига кўра солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

Солиқ кодекси 273-моддасининг биринчи қисмига кўра солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Жавобгар 2023 йил учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини солиқ инспекциясига белгиланган муддатда тақдим этмаган.

Солиқ кодекси 111-моддасининг биринчи қисмига кўра солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

ИПК 222-моддасининг учинчи қисмига кўра ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисида билдирилган талаб қаноатлантирилган тақдирда, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар қандай шартлар бажарилгунига қадар тўхтатиб қўйилганлиги кўрсатилиши керак.

Суд, ариза талабини асосли деб ҳисоблайди, жавобгар томонидан 2023 йил март ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини давлат солиқ инспекциясига топширилмаганлиги иш ҳужжатлари билан тасдиқланганлиги боис, аризани қаноатлантиришни, жавобгар томонидан солиқ ҳисоботлари тўлиқ тақдим этилгунга қадар банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни, ушбу ҳал қилув қарори ижросини назорат қилишни аризачи зиммасига юклатишни лозим топди.

ИПК 116-моддасининг биринчи қисмига кўра суд чиқимлари суд хабарномалари ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта



харажатларидан, суд тайинлаган экспертизани ўтказиш, гувоҳни чақириш, далилларни жойида кўздан кечириш, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлардан, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлардан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида” 2020 йил 6 январдаги ЎРҚ-600-сонли Қонуни биринчи қисмининг 19-бандига кўра аризачи ва жавобгар ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Суд, суд харажатларини ундириш қисмини муҳокама қилиб, аризачи ва жавобгар давлат божини тўлашдан озод қилинганлиги сабабли уни ундирмасликни, жавобгар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозит ҳисоб рақамига 33 000 сўм почта харажати ундиришни лозим топди.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82, 111, 273-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 116, 118, 220-222-моддаларини қўллаб суд,

### **қ а р о р   қ и л а д и :**

Ариза қаноатлантирилсин.

"XXX" масъулияти чекланган жамиятининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операция (бюджетга тўловлар, иш ҳақи, нафақалар, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса оқибатида соғлиқ ва ҳаётга етказилган зарарни қоплаш учун маблағлар бериш ҳоллари бундан мустасно)ларининг чиқиш қисми бўйича Ромитан туман солиқ инспекциясига 2023 йил март ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш орқали ҳуқуқбузарлик бартараф этилгунга қадар тўхтатиб турилсин.

"XXX" масъулияти чекланган жамиятининг хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисоб-рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар тўлиқ бартараф этилгандан сўнг, Ромитан туман солиқ инспекцияси томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатмаси (қарори)га асосан ҳисобварақлари бўйича операциялар тиклансин.

Жавобгар "XXX" масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан Ромитан туман солиқ инспекциясига 33 000 сўм почта ҳаражати ундирилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин ўн кун ўтгач қонуний кучга кириши эътироф этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф ўн кун муддат ичида Ромитан туманлараро иқтисодий суди орқали Бухоро вилоят судига апелляция шикоятти бериш мумкин.

**Судья**

**Х.Абдуллаев**

